



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 3 » iyun

№ 227

Toshkent sh.

2023 йил ҳосилидан буғдой харид қилиш ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 25 ноябрдаги ПҚ–10-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ғалла бозорини эркинлаштириш бўйича ислохотларни давом эттириш, ички бозорни буғдой ва ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда уларнинг нархлари барқарорлигини сақлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларининг 2023 йилда суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача **2,5 тоннадан, жами 2 млн 565 минг тонна буғдойни, жумладан:**

1 млн 283 минг тонна товар буғдойни давлат ресурси сифатида ҳамда **240 минг 450 тонна уруғлик буғдойни** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан харид қилиш;

1 млн 41 минг 550 тонна товар буғдойни фермер хўжаликлари ҳамда бошқа буғдой етиштирувчилар (кейинги ўринларда – буғдой етиштирувчилар) томонидан кейинчалик биржа савдолари орқали сотиш учун Жамғарманинг тижорат вакилида вақтинча сақлашга қабул қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилансинки, “Ўздонмаҳсулот” АҚ тизимидаги корхоналар ва буғдойни сақлаш қувватига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари Жамғарма номидан буғдой етиштирувчилардан товар буғдойни сотиб олиш, қабул қилиш ва сақлаш, шунингдек, харидорларга юклар жўнатиш ишларини амалга ошириш бўйича тижорат вакили ҳисобланади.

2. 2023 йил ҳосилидан суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача **2,5 тоннадан, жами 2 млн 565 минг тонна буғдойни қабул қилиш дислокацияси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** давлат ресурси сифатида харид қилинадиган ва вақтинча сақлаш учун қабул қилинадиган ҳамда уруғлик буғдой ҳажмларини буғдой етиштирувчилар кесимида рўйхатини тасдиқласин.

3. Жамғарма маблағлари ҳисобидан давлат ресурси сифатида харид қилинадиган товар буғдойни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 28 майдаги ПҚ–262-сон қарорида белгиланган тартибда биржа савдолари орқали сотиш белгилаб қўйилсин.

Бунда буғдой етиштирувчилар томонидан вақтинча сақлашга қабул қилинадиган 5 ва ундан юқори синфлардаги товар буғдой барча тадбиркорлик субъектларига биржа савдолари орқали чекловларсиз сотилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил ҳосили учун:**

а) Жамғарманинг тижорат вакили товар буғдойни Жамғарма номидан буғдой етиштирувчилардан сотиб олиш, қабул қилиш ва сақлаш, шунингдек, харидорларга юклаб жўнатиш тадбирларини амалга оширади;

б) давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой учун тўловлар 2023 йилнинг март-май ойларида Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида 3-синф буғдой учун шаклланган ўртача нархдан (ўртача котировкадан) келиб чиққан ҳолда, буғдой топширилган кундан эътиборан **икки ҳафта муддатда** буғдой етиштирувчиларнинг махсус ҳисобварақларига тўлиқ ўтказиб берилади. Бунда давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдойнинг бошқа синфлари учун тўлов миқдори 2-иловада кўрсатилган **буғдойнинг харид нархларини аниқлаш коэффициентларидан** келиб чиқиб аниқланади;

в) давлат ресурси сифатида харид қилинадиган товар буғдойни харид қилиш учун Жамғармадан ажратиладиган маблағларни Жамғарманинг тижорат вакиллари ҳисобварақларидаги дебит айланмасидан банк хизматлари учун ҳақ ундирилмайди;

г) вақтинча сақлаш учун қабул қилинадиган товар буғдойни қабул қилиш, сақлаш ва харидорларга юклаб жўнатиш харажатлари тижорат вакили ва буғдой етиштирувчилар ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳамда ушбу буғдойни ташиб келтириш учун транспорт харажатлари буғдой етиштирувчилар ҳисобидан амалга оширилади;

д) буғдойни қабул қилиш, сақлаш ва харидорларга юклаб жўнатиш жараёнида юзага келадиган табиий камайиш миқдори Вазирлар Маҳкамасининг “Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг сақланиши устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарорида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади;

е) давлат ресурси сифатида ҳамда вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдойнинг сифати, сақланиши ҳамда харидорларга юклаб жўнатилишида товар буғдойнинг сифати бўйича назорат Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси уч кун муддатда 2023 йилнинг март-май ойларида биржа савдоларида 3-синф буғдой учун шаклланган ўртача нарх тўғрисидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

6. 2023 йил ҳосили учун буғдой етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредитларни ўз вақтида сўндириш мақсадида:

фьючерс шартномаси асосида фаолият юритаётган буғдой етиштирувчилар томонидан ғалла ўрим-йиғими даврида 2023 йил ҳосили учун олинган аванс қийматидан кам бўлмаган миқдордаги буғдой ғаллачилик кластерларига топширилади;

вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдойни биржа савдоларида сотишдан тушадиган маблағлар, биринчи навбатда, 2023 йил ҳосили учун буғдой етиштириш мақсадида олинган аванс (кредит)дан юзага келган қарзни қоплаш учун йўналтирилади ва қарздорлик тўлиқ қоплангандан сўнг қолган маблағлар эркин тасарруф этилади.

7. Белгилансинки, уруғлик буғдой тайёрлаш корхоналари томонидан **уруғлик буғдойнинг ҳар бир тоннаси** 2023 йилнинг март-май ойларида Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида 3-синф буғдой учун шаклланган ўртача нарх (ўртача котировка)га Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигига оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги 641-сон қарорида бошоқли дон уруғи авлодлари учун белгиланган **устамалар ҳисобга олинган ҳолда харид қилинади.**

Бунда уруғлик буғдой тайёрлаш корхоналарига уруғлик буғдойни харид қилиш, тайёрлаш ва суғурта тўловлари учун Жамғарма томонидан **олти ой муддатга** (маблағ ажратилган ойдан бошлаб) йиллик **1,5 фоиз ставкада** қарз маблағлари ажратилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **ўн кун муддатда:**

а) Транспорт вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” АК ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2023 йил учун буғдой ҳосилини ташишнинг тавсиявий тарифини;

“Ўздонмаҳсулот” АК ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан биргаликда буғдойни қабул қилиш, сақлаш ва харидорларга юклаб жўнатиш бўйича хизматлар тарифининг энг юқори чекланган даражасини тасдиқласин ва жойларга етказилишини таъминласин;

б) Жамғарма ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан буғдой етиштирувчилар кесимида тасдиқланган вақтинча сақлаш учун қабул қилинадиган буғдойни биржа савдоларига қўйиш бўйича ойлик графикларни умумлаштирган ҳолда тасдиқласин ҳамда **келгуси ойларнинг 28-санасига қадар** Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг расмий веб-сайтига жойлаштириб борсин;

в) Жамғарма билан биргаликда:

давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдойни биржа савдоларига қўйиш бўйича ойлик графикни **2023 йил 30 сентябрга қадар** ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

келгуси ойларда биржа савдоларига қўйиладиган буғдой тўғрисидаги маълумотларни календарь ой бошланишидан **уч кун олдин** Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг расмий веб-сайтига жойлаштириш учун тақдим этиб борсин;

зарур ҳолларда, ички бозорда нарх барқарорлигини сақлаш мақсадида буғдой танқислиги кузатилган ҳудудлар учун биржа савдоларига қўшимча буғдой қўйиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

9. Буғдой етиштирувчиларнинг вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой биржа савдолари орқали ойма-ой график асосида сотилишини инобатга олиб, 2023 йил ҳосили учун буғдой етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредитларни қайтариш муддати, истисно тариқасида, **2023 йил 1 ноябрга қадар** узайтирилсин.

Бунда Жамғарма томонидан 2023 йил ҳосили учун буғдой етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига жойлаштирилган кредит ресурсларининг муддати мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига:

биржа савдоларидан буғдой харид қилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган ун маҳсулотларининг график асосида биржа савдоларига чиқарилиши устидан доимий назорат ўрнатиш вазифаси юклансин;

зарур ҳолларда, бир савдо сессиясида бир харидор томонидан харид қилинадиган буғдой ва ун маҳсулотларининг максимал миқдорини (лимитини) белгилаш ҳамда унга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

11. Белгилансинки, давлат захирасидаги буғдой Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси ва Жамғарманинг ёзма кўрсатмасига асосан тижорат вакили томонидан харид қилинадиган янги ҳосилни жамлаш ва аввал захирада сақланган буғдойни биржа савдоларига чиқариш орқали янгиланади (алмаштирилади).

Бунда буғдойни янгилаш жараёнида ажратиб олиннадиган донли аралашма (оралиқ маҳсулот) биржа савдолари орқали сотилади ҳамда юзага келган салбий фарқ ва қўшимча харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорат инспекцияси ҳамда “Ўздонмахсулот” АК билан биргаликда **2023 йил 10 июнь** ҳолатига давлат ресурси сифатида “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги корхоналарда сақланаётган буғдой ҳажмларини тўлиқ хатловдан ўтказсин.

Бунда хатловдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар “Ўздонмахсулот” АК томонидан тақдим этиладиган асослантирилган ҳисоб-китоблар бўйича Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади.

13. Ички бозорда буғдой нархи барқарорлигини сақлаш учун буғдойни харид қилиш ва биржа савдолари орқали сотиш тартиби тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг, биринчи навбатда, қолипчи нон ишлаб чиқарувчи ва ун махсулотларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг маҳаллий ун махсулоти бўйича ўтказиладиган биржа савдоларида иштирок этишига кўмаклашсин.

15. Жамғарма томонидан тижорат вакилига ўтказиб бериладиган маблағлар ва вақтинча сақлаш учун буғдой топширган буғдой етиштирувчиларнинг махсулот сотишдан тушган маблағлари ҳаракати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирувга қаратилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақларда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “2022 йил ҳосилидан буғдойни харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 30 майдаги 284-сон қарорининг 12-банди ва унга 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил " 3 " июндаги 227 -сон қарорига
1-илова

**2023 йил ҳосилдан суғориладиган майдонлардан буғдойни қабул қилиш
ДИСЛОКАЦИЯСИ**

тонна

Т/р	Корхоналар номи	Жами қабул қилинадиган буғдой	Шу жумладан:			
			Товар буғдой	шундан:		Уруғлик буғдой
				Давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой	Вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой	
Қорақалпоғистон Республикаси						
1	"Қорақалпоқдонмаҳсулотлари" АЖ	26 158	26 158	14 309	11 849	
2	"Чимбойдонмаҳсулотлари" МЧЖ	29 792	27 292	14 929	12 363	2 500
3	"Тахياتошдонмаҳсулотлари" АЖ	41 328	37 528	20 528	17 000	3 800
4	"Қўнғирот ун заводи" АЖ	7 955	7 555	4 132	3 422	400
5	"Тўрткўлдонмаҳсулотлари" МЧЖ	20 068	18 468	10 102	8 366	1 600
6	"NO`KUS BEST-SEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	4 700				4 700
Жами:		130 000	117 000	64 000	53 000	13 000
Андижон вилояти						
7	"Андижондонмаҳсулотлари" АЖ	73 352	63 852	35 203	28 649	9 500
8	"Асакадонмаҳсулотлари" АЖ	64 052	60 052	33 108	26 944	4 000
9	"Қўрғонтепадонмаҳсулотлари" АЖ	52 596	46 596	25 689	20 907	6 000
Жами:		190 000	170 500	94 000	76 500	19 500

Т/р	Корхоналар номи	Жами қабул қилинадиган бұғдой	Шу жумладан:			
			Товар бұғдой	шундан:		Уруғлик бұғдой
				Давлат ресурси сифатида харид қилинадиган бұғдой	Вақтинча сақлашга қабул қилинадиган бұғдой	
Бухоро вилояти						
10	"Бухородонмаҳсулотлари" АЖ	63 517	60 117	32 911	27 206	3 400
11	"Қоракўлдонмаҳсулотлари" АЖ	54 060	54 060	29 595	24 465	
12	"Когондонмаҳсулотлари" АЖ	22 823	22 823	12 494	10 329	
13	"BUXARA BESTSEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	4 600				4 600
14	"Яккатут пахтачилик, ғаллачилик, шолічилик ва уруғчилик" кластери	7 000				7 000
Жами:		152 000	137 000	75 000	62 000	15 000
Жиззах вилояти						
15	"Жиззахдонмаҳсулотлари" АЖ	90 519	90 519	49 969	40 550	
16	"Зарбдор элеватори" АЖ	47 348	46 448	25 640	20 807	900
17	"Дўстликдонмаҳсулотлари" АЖ	67 733	67 733	37 390	30 343	
18	"DO`STLIK BESTSEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	15 900				15 900
19	"Семуруғ кластер" МЧЖ	347				347
20	"Дафна ифори" МЧЖ	3 153				3 153
Жами:		225 000	204 700	113 000	91 700	20 300

Т/р	Корхоналар номи	Жами қабул қилинадиган бугдой	Шу жумладан:			
			Товар бугдой	шундан:		Уруғлик бугдой
				Давлат ресурси сифатида харид қилинадиган бугдой	Вақтинча сақлашга қабул қилинадиган бугдой	
Қашқадарё вилояти						
21	"Қашқадарёдонмаҳсулотлари" АЖ	38 300	33 500	21 000	12 500	4 800
22	"Косон ДМКҚ" МЧЖ	88 000	81 500	44 800	36 700	6 500
23	"Дон-халқ ризқи" АЖ	39 750	37 950	20 240	17 710	1 800
24	"Дунё-М" АЖ	96 800	93 100	54 400	38 700	3 700
25	"Қамаши ДҚҚ" МЧЖ	45 350	45 350	24 400	20 950	
26	"Индорама агро" МЧЖ	30 250	26 400	10 160	16 240	3 850
27	"ҲАККАВОГ` BESTSEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	7 000				7 000
28	"NISHON NEW DON BESTSEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	1 600				1 600
29	"KASBI DON BESTSEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	2 950				2 950
Жами:		350 000	317 800	175 000	142 800	32 200

Т/р	Корхоналар номи	Жами қабул қилинадиган бұғдой	Шу жумладан:			
			Товар бұғдой	шундан:		Уруғлик бұғдой
				Давлат ресурси сифатида харид қилинадиган бұғдой	Вақтинча сақлашга қабул қилинадиган бұғдой	
Навоий вилояти						
30	"Навоийдонмаҳсулотлари" АЖ	66 226	62 726	34 201	28 525	3 500
31	"Қизилтепа ун заводи" АЖ	23 474	23 474	12 799	10 675	
32	"NAVOIY-G`ALLA BEST SEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	5 300				5 300
Жами:		95 000	86 200	47 000	39 200	8 800
Наманган вилояти						
33	"Намангандонмаҳсулотлари" АЖ	63 128	63 128	34 776	28 352	
34	"Учқўрғондонмаҳсулотлари" АЖ	49 476	49 476	27 255	22 221	
35	"Попдонмаҳсулотлари" АЖ	41 696	41 696	22 969	18 727	
36	"UCHQO`RG`ON BEST SEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	5 800				5 800
37	"SHORTOQ DON BESTSEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	6 000				6 000
38	"Art soft seeds" МЧЖ	3 900				3 900
Жами:		170 000	154 300	85 000	69 300	15 700

Т/р	Корхоналар номи	Жами қабул қилинадиган буғдой	Шу жумладан:			
			Товар буғдой	шундан:		Уруғлик буғдой
				Давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой	Вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой	
Самарқанд вилояти						
39	"Самарқанддонмаҳсулотлари" АЖ	58 646	56 846	30 935	25 911	1 800
40	"Оқтош дон" АЖ	66 044	60 344	32 838	27 506	5 700
41	"Жума элеватори" АЖ	39 248	39 248	21 358	17 890	
42	"Жомбойдонмаҳсулотлари" АЖ	60 362	58 562	31 869	26 694	1 800
43	"Каттаминг уруғчилик кластери" МЧЖ	2 500				2 500
44	"MOTRID BESTSEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	6 200				6 200
45	"ZIRABULOQ BESTSEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	2 000				2 000
Жами:		235 000	215 000	117 000	98 000	20 000
Сурхондарё вилояти						
46	"Сурхондарёдонмаҳсулотлари" АЖ	88 105	80 105	44 503	35 602	8 000
47	"Шўрчидонмаҳсулотлари" АЖ	134 895	126 895	70 497	56 398	8 000
48	"JARQO`RG`ON BEST SEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	4 000				4 000
Жами:		227 000	207 000	115 000	92 000	20 000

Т/р	Корхоналар номи	Жами қабул қилинадиган бұғдой	Шу жумладан:			
			Товар бұғдой	шундан:		Уруғлик бұғдой
				Давлат ресурси сифатида харид қилинадиган бұғдой	Вақтинча сақлашга қабул қилинадиган бұғдой	
Сирдарё вилояти						
49	"Оқолтиндонмаҳсулотлари" АЖ	89 300	83 050	72 000	11 050	6 250
50	"Ховосдонмаҳсулотлари" АЖ	39 400	39 400	26 000	13 400	
51	"Индорама агро" МЧЖ	37 000	37 000		37 000	
52	"Poli Tex Sirdaryo" МЧЖ	8 200	4 200		4 200	4 000
53	"White gold cluster" МЧЖ	8 100	8 100		8 100	
54	"OQOLTIN BEST SEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	8 000				8 000
Жами:		190 000	171 750	98 000	73 750	18 250
Тошкент вилояти						
55	"Тошкентдонмаҳсулотлари" АЖ	117 715	116 715	63 847	52 868	1 000
56	"Оҳангарон дон" АЖ	88 820	84 820	46 400	38 420	4 000
57	"Ғалла-Алтер" АЖ	40 765	39 765	21 753	18 012	1 000
58	"ТСТ агрокластер" МЧЖ	3 000				3 000
59	"Нурли диёр агро" МЧЖ	3 200				3 200
60	"TASHKENT BEST SEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	7 100				7 100
61	"YUQORICHIRCHIQ BEST SEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	6 400				6 400
Жами:		267 000	241 300	132 000	109 300	25 700

Т/р	Корхоналар номи	Жами қабул қилинадиган бугдой	Шу жумладан:			
			Товар бугдой	шундан:		Уруғлик бугдой
				Давлат ресурси сифатида харид қилинадиган бугдой	Вақтинча сақлашга қабул қилинадиган бугдой	
Фарғона вилояти						
62	"Фарғонадонмаҳсулотлари" АЖ	65 808	60 108	33 393	26 715	5 700
63	"Боғдоддонмаҳсулотлари" АЖ	48 540	48 540	26 966	21 573	
64	"Кўкондонмаҳсулотлари" АЖ	110 112	103 312	57 396	45 916	6 800
65	"Кувадонмаҳсулотлари" АЖ	14 541	13 041	7 245	5 796	1 500
66	"BAG`DOD BEST SEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	10 000				10 000
Жами:		249 000	225 000	125 000	100 000	24 000
Хоразм вилояти						
67	"Хоразмдонмаҳсулотлари" АЖ	26 429	22 029	12 302	9 727	4 400
68	"Боғот дон" АЖ	18 391	18 391	10 270	8 121	
69	"Шовотдонмаҳсулотлари" АЖ	19 812	19 812	11 064	8 748	
70	"Хонқадонмаҳсулотлари" АЖ	18 168	16 768	9 364	7 404	1 400
71	"URGANCH BESTSEEDS" МЧЖ ("Уруғчиликни ривожлантириш маркази" давлат муассасаси)	2 200				2 200
Жами:		85 000	77 000	43 000	34 000	8 000
Республика бўйича жами:		2 565 000	2 324 550	1 283 000	1 041 550	240 450

Изоҳ: Қорақалтоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2023 йил ҳосили бўйича апробация натижаларига кўра ушбу дислокацияга дон корхоналари кесимида ўзгартиришлар киритиш ваколати берилади. Бугдой етиштирувчилар ўз хоҳишларига кўра етиштирилган товар бугдойни белгиланган дислокациядан ортиқча топшириши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “3” июндаги 227-сон қарорига
2-илова

**Давлат ресурси сифатида харид қилинадиган
буғдой нархларини аниқлаш
КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ**

Буғдой синфлари	Клейковина миқдори (фоиздан кам бўлмаганда)	Қўлланиладиган коэффициент
Қаттиқ буғдой		
1 синф	28	1,641
2 синф	25	1,447
3 синф	22	1,316
4 синф	18	1,000
Юмшоқ буғдой		
1 синф	32	1,366
2 синф	28	1,162
3 синф	23	1,000
4 синф	18	0,895
5 синф қаттиқ ва юмшоқ буғдой	чегараланмаган	0,827

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 3 ” июндаги 227 -сон қарорига
3-илова

**Ички бозорда буғдой нархи барқарорлигини таъминлаш
учун буғдойни харид қилиш ва биржа савдолари орқали
сотиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ички бозорда буғдой нархи барқарорлигини таъминлаш учун буғдойни харид қилиш ва биржа савдолари орқали сотиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

биржа – қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияга эга товар-хом ашё биржалари;

Жамғарма – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

ПК-10 қабул қилиш қвитанцияси – серияси ва тартиб рақами маъмурий-худудий бирликлар бўйича белгиланадиган товар буғдойни қабул қилиш қвитанцияси;

тижорат вакили – давлат ресурси сифатида товар буғдойни сотиб олиш, қабул қилиш ва сақлаш, шунингдек, харидорларга юклаб жўнатиш ишларини амалга оширадиган “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги корхоналар ҳамда буғдойни сақлаш қувватига эга бўлган бошқа тадбиркорлик субъектлари;

23210 – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ажратилган мақсадли маблағларнинг махсус ҳисобварағи.

**2-боб. Ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш
учун харид қилинадиган буғдой ҳажмини шакллантириш
ва Жамғарманинг тижорат вакилини танлаб олиш тартиби**

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ҳар йили 1 майга қадар эркин биржа савдоларига қўйиладиган буғдойнинг фермер хўжаликлари ва бошқа ғалла етиштирувчилар (кейинги ўринларда – буғдой етиштирувчилар) ҳамда туманлар кесимидаги тақсмотини ва тижорат вакиллари рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади.

4. Танловда қатнашадиган дон корхоналари қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

махсус сиғимга эга бўлиши;

давлат қиёсловидан ўтказилган темир йўл ва/ёки юк автомобилларини ўлчаш электрон тарозиси, метрологик кўриқдан ўтган лаборатория, қуритувчи ва бунтловчи кўчма узатувчи транспортёрлар, дон тозаловчи сепараторларга эга бўлиши;

туну-кун юқори тезликда ишловчи онлайн видеокузатув ва кўриқлаш тизимига эга бўлиши;

буғдойни хавфсиз сақлаш бўйича талабларга жавоб берадиган махсус сиғимларга эгаллиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – Ўзагроинспекция), Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ижобий ҳулосасига эга бўлиши;

Жамғарма номидан харид қилинадиган буғдой қийматининг 120 фоизи миқдоридан кам бўлмаган мол-мулкка, шу миқдордаги кафиликка ёки суғурта полисига эга бўлиши;

дон тайёрлаш ва сақлаш билан камида охириги 24 ой давомида шуғулланган бўлиши лозим.

3-боб. Жамғарма билан тижорат вакили ўртасидаги муносабатлар

5. Жамғарма ва унинг тижорат вакили ўртасида Жамғарма номидан буғдой етиштирувчилардан буғдойни харид қилиш, ташиш, қабул қилиш, ички ташиш, сақлаш ва харидорларга юклаб жўнатиш тўғрисида топшириқ шартномаси тузилади.

6. Топшириқ шартномаси муддати давомида тижорат вакилининг Жамғарма номидан харид қилган буғдойга доир фаолияти Жамғарма томонидан мувофиқлаштириб борилади.

4-боб. Жамғарма томонидан буғдой етиштирувчилардан буғдойни харид қилиш тартиби

7. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тақсимот ва белгиланган ҳажмдаги буғдой миқдорига асосан буғдой етиштирувчилар томонидан етиштирилган буғдой ғалла ўрим-йиғими мавсумида тижорат вакилининг дон сақлаш сиғимига жойлаштирилади. Бунда:

буғдойнинг сифати ва хавфсизлик кўрсаткичлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида синовдан ўтказилиб қабул қилинади;

буғдой етиштирувчилар томонидан топширилган товар буғдой учун тижорат вакилига тўрт нусхада ПК-10 қабул қилиш квитанцияси ҳамда электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади;

зарур ҳолларда, буғдойни қуритиш ва тозалаш харажатлари шартномада белгиланган тарифларда буғдой етиштирувчилар томонидан тижорат вакилига тўлаб берилади;

тижорат вакилининг буғдойни ташиш, қабул қилиш, ички ташиш, сақлаш ва харидорларга юклаб жўнатиш харажатлари топшириқ шартномасида белгиланган тарифлар асосида Жамғарма томонидан тўлаб берилади ҳамда Жамғарманинг харажатларида акс эттирилади.

8. Тижорат вакилининг аризасига асосан хизмат кўрсатувчи тижорат банки томонидан унга Жамғарма номидан буғдойни харид қилиш учун 23210 махсус ҳисобварақ очилади.

9. Жамғарма ўзининг тижорат вакили томонидан тақдим этилган электрон буюртманомага асосан Жамғарма номидан буғдойни харид қилиш учун тижорат вакилининг 23210 махсус ҳисобварақига фойсиз маблағларни ўтказди.

Бунда тижорат вакили томонидан тақдим этилган электрон буюртманомага асосан буғдойни ташиш, қабул қилиш, ички ташиш, сақлаш ва харидорга юклаб жўнатиш харажатларини молиялаштириш учун зарур бўлган бўнак (аванс) Жамғарма томонидан тижорат вакилига олдиндан ўтказиб берилиши мумкин.

10. Тижорат вакили буғдой етиштирувчилардан буғдойни давлат стандарти (O'z DSt 880:2015) талабларига мувофиқ сифат кўрсаткичлари (намлик, ифлослик, донли аралашмаси, натура оғирлиги, клейковина миқдори, сифати ва тури) ҳамда буғдой синфлари аниқ кўрсатилган ҳужжатларга (мувофиқлик ва сифат сертификатлари) асосан харид қилади.

Харид қилинган буғдойнинг сифати бўйича юзага келадиган низолар Ўзагроинспекция томонидан кўриб чиқилади ҳамда кўриб чиқиш натижаларига кўра Жамғармага якуний хулоса тақдим этилади.

11. Жамғарма томонидан тижорат вакилининг 23210 махсус ҳисобварақига ўтказилган маблағлар қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

давлат ресурси сифатида товар ва уруғлик буғдойни харид қилиш учун ҳисоб-китобларга;

буғдойни дон қабул қилиш корхоналари ва шохобчаларига ташиш, қабул қилиш, ички ташиш, сақлаш ва харидорларга юклаб жўнатиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларга.

Бунда Жамғарманинг тижорат вакили томонидан автотранспорт воситаларида (хусусан, махсус техникалар) кўрсатилган хизматлар бўйича қарздорликлари бўлмаганда, 23210 махсус ҳисобварақдаги қолдиқ маблағлар уларнинг талаб қилиб олгунига қадар ҳисобварақларига ўтказилиб, белгиланган тартибда ишлатилиши мумкин. Махсус ҳисобварақдаги маблағлардан бошқа мақсадлардаги тўловларни амалга ошириш тақиқланади.

5-боб. Давлат ресурси сифатида харид қилинган буғдойни тижорат вакили томонидан сақлаш тартиби

12. Буғдой етиштирувчилардан харид қилинган буғдой ҳисобини юритиш, ички ташиш ва сақлаш Вазирлар Маҳкамасининг “Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг сақланиши устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2006 йил 25 майдаги 95-сон ҳамда “Ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинadиган донни сақлаш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 22 майдаги 312-сон қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

13. Тижорат вакили буғдойни сақлаш стандартларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Дон хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 31 мартдаги 99-сон қарори талабларига риоя этиши шарт.

6-боб. Давлат ресурси сифатида харид қилинган буғдойни биржа савдоларида сотиш тартиби

14. Давлат ресурси сифатида харид қилинган буғдой тасдиқланган ойлик графикка мувофиқ Жамғарма томонидан биржа савдоларига қўйиб бoрилади.

Жамғарма томонидан буғдой биржа савдоларига охириги савдо ҳафтасида шаклланган ўртача нархлар (котировкалар)да, шу жумладан буғдой етиштирувчилардан харид қилинган буғдой қийматига, ташиш, қабул қилиш, ички ташиш, сақлаш, юклаш ва сотиш харажатларини қўшганда ҳосил бўладиган қийматдан кам бўлмаган нархларда қўйилади.

Бунда буғдойни ташиш, қабул қилиш, ички ташиш, сақлаш, юклаш ва сотиш харажатлари йиллик ўртача харажатлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан буғдойнинг нархи мазкур бандда назарда тутилганидан бошқача тартибда аниқланган нархларда ҳам белгиланиши мумкин.

15. Давлат ресурси сифатида харид қилинган буғдой биржа савдоларида Жамғарма томонидан биржа савдолари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ сотилади.

7-боб. Тижорат вакили томонидан дон сақлаш сиғимларида сақланаётган буғдойни биржа савдолари орқали сотиб олган харидорларга юклаб жўнатиш тартиби

16. Биржа буғдойни сотиб олган харидор буғдой қийматини тўлиқ тўланганлиги тўғрисидаги маълумотномани Жамғармага тақдим этади.

Ушбу маълумотномага асосан Жамғарма ўзининг тижорат вакилига дон сақлаш сиғимида сақланаётган буғдойни харидорга юклаб жўнатиш йўриқномасини тақдим этади.

17. Тижорат вакили юклаб жўнатиш йўриқномасига асосан дон сақлаш сифимида сақланаётган буғдойни харидорнинг транспорт (темир йўл ёки автомобиль) воситасига юклайди, шунингдек, юк хатини ёки топшириш ва қабул қилиш далолатномасини расмийлаштиради.

18. Тижорат вакили буғдой харидорга юклаб жўнатилганлиги тўғрисидаги юк хатини ёки топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ҳамда буғдой сотиб олинганда ҳисобланган қўшимча қиймат солиғи (хизмат кўрсатиш устамасини ҳисобга олмаган ҳолда) кўрсатилган ҳисобварақ-фактурани буғдой юклангандан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан Жамғармага тақдим этади.

Тижорат вакили тақдим этган ҳужжатларга асосан Жамғарма буғдойни сотиб олган харидорга тегишли ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиради.

19. Жамғарма ўзининг тижорат вакили томонидан тақдим этилган юк хатини ёки топшириш ва қабул қилиш далолатномасини биржага юборади.

Биржа юк хати ёки топшириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан ҳар бир шартнома бўйича буғдой сотишдан тушган маблағларни харидор номини кўрсатган ҳолда бир иш кунда Жамғарманинг ҳисобварағига ўтказилади.

20. Жамғарма ва унинг тижорат вакили ўртасида ҳар чоракда ҳамда шартнома шартлари бажарилиши тўлиқ яқунлангандан сўнг ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида солиштирма далолатнома тузилади.

8-боб. Буғдой етиштирувчилардан харид қилинган буғдойни қабул қилиш, ташиш, сақлаш, юклаш ва унинг табиий камайиши ҳамда камомад билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби

21. Тижорат вакили топшириқ шартномасида келишилган тарифларга асосан буғдойни ташиш, қабул қилиш, сақлаш ва юклаш билан боғлиқ харажатларни, шунингдек, табиий камайиш харажатларини қоплаш учун ҳар ой якунида Жамғармага ҳисобварақ-фактура тақдим этади.

Бунда буғдойнинг юзага келган табиий камайиши Вазирлар Маҳкамасининг “Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг сақланиши устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарорида белгиланган стандартларга (нормаларга) мослиги бўйича Ўзагроинспекциянинг ижобий хулосаси тақдим этилиши шарт.

Тижорат вакили тегишли ҳужжатларни тўлиқ тақдим этганда, қилинган харажатлар Жамғарма томонидан уч иш куни ичида тўлаб берилади.

22. Давлат ресурси сифатида харид қилиниб тижорат вакилининг дон сақлаш сифимида сақланаётган буғдой ҳажмида камомад ёки нормативдан ортиқча йўқотишлар (камайиш) аниқланганда, юзага келган буғдой камомади қиймати камомад аниқланган кундаги буғдойнинг биржа савдоларидаги нархига 20 фоиз устама қўллаган ҳолда тижорат вакилидан Жамғарманинг фойдасига ундирилади.

9-боб. Буғдойни биржа савдоларида сотишдан юзага келадиган ижобий тафовут суммасини ишлатиш ва салбий тафовут суммасини қоплаш тартиби

23. Буғдойни биржа савдоларида сотишда юзага келадиган ижобий ёки салбий тафовут буғдойнинг биржа савдоларидаги сотиш нархидан буғдойни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатлар (тижорат вакилига тўланган хизмат ҳақи, сотиш харажатлари, жалб қилинган хорижий кредитлар бўйича хорижий валютанинг сўмдаги курси фарқи, жалб этилган бюджет ссудаси бўйича фоиз харажатлари) чегирилган ҳолда аниқланади.

24. Буғдойни биржа савдоларида сотишдан юзага келадиган ижобий тафовут маблағлари қонунчилик ҳужжатларига асосан Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади ва ушбу маблағлар Жамғарма томонидан белгиланган тартибда тасарруф этилади.

Буғдойни биржа савдоларида сотишда юзага келадиган салбий тафовут суммаси Жамғарманинг харажатларида акс эттирилади.

10-боб. Яқунловчи қоидалар

25. Тижорат вакили:

буғдой етиштирувчилардан буғдойни харид қилиш учун Жамғарма томонидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши;

Жамғармага тақдим этиладиган маълумотларнинг ҳаққонийлиги;

буғдой етиштирувчилардан харид қилинган буғдойнинг яхлит ҳажмда, сифатли ва кафолатли сақланиши бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

26. Буғдой етиштирувчилардан харид қилинган буғдойнинг сифатли сақланиши Ўзагроинспекция томонидан, буғдойни харид қилиш учун ажратилган Жамғарма маблағларининг мақсадли ва тўғри фойдаланилиши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

Жамғарма томонидан буғдойни харид қилиш учун ажратилган маблағларнинг мақсадсиз ишлатилган қисмига қўлланиладиган жарима миқдори Жамғарма ва унинг тижорат вакили ўртасида тузиладиган топшириқ шартномасида белгиланади.

27. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

